

**“ТАСЛИКЛАЙМАН”**  
**Ўзбекистон Республикаси Одил судлов**  
**академияси Кенгаши раиси**  
**Ш.Абдукодиров**

**Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси Кенгаши**  
**мажлисининг 5-сон**

### **БАЁННОМАСИ**

2026 йил 04 июнь

Тошкент шаҳри

**Раислик қилувчи:**

Ш.Абдукодиров ю.ф.д. - Одил судлов академияси  
ректори

**Иштирок этдилар:**

ю.ф.д., профессор Д.Арипов, ю.ф.д., профессор  
Н.Салаев, ю.ф.ф.д(PhD) И.Палвонов, ю.ф.ф.д.  
(PhD), доцент в.б., Х. Бердияров, ю.ф.ф.д. (PhD),  
доцент в.б. З.Омонов, ю.ф.ф.д. (PhD), доцент в.б.  
О.Тошев, ю.ф.ф.д. (PhD), доцент Э.Сабиров,  
ю.ф.ф.д(PhD), доцент в.б., Т.Обидов, ю.ф.д.,  
профессор З.А.Амиров, ю.ф.н., профессор  
Х.Азизов, ю.ф.д., профессор И.Рустамбеков, ю.ф.д.,

Кенгаш котиби – ю.ф.ф.д (PhD) доцент, Ф.Мадиев.

### **КУН ТАРТИБИ**

**Одил судлов академиясига мустақил изланувчиликка талабгорлар  
билан ўтказилган суҳбат натижаларини тасдиқлаш.**

Раислик қилувчи Ш.Абдукодиров кун тартибидаги масала юзасидан Илмий  
тадқиқотларни мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси К.Миршаевага сўз берди.

К.Миршаева: Ассалому алайкум. Ҳурматли устозлар, ҳурматли Ўзбекистон  
Республикаси Одил судлов академияси кенгаши аъзолари. Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада  
такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 22 майдаги 304-сон қарори  
талабларига мувофиқ, Одил судлов академияси томонидан 2026 йил 15 апрелдан 15 майга  
қадар фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражаларини олиш учун  
мустақил изланувчиликка қабул қилиш бўйича танлов эълон қилинган.

Мазкур танлов 12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ. Молия ва  
божхона ҳуқуқи; 12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи.  
Халқаро хусусий ҳуқуқ; 12.00.04 – Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Иқтисодий процессуал  
ҳуқуқ. Ҳакамлик жараёни ва медиация; 12.00.05 – Меҳнат ҳуқуқи. Ижтимоий таъминот

хукуки; 12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Хуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура; 12.00.08 – Жиноят хукуки. Жиноят-ижроия хукуки; 12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув хукуки ва суд экспертизаси; ҳамда 12.00.10 – Халқаро хуқуқ ихтисосликлари бўйича ўтказилган.

Танловда иштирок этиш учун жами 14 нафар талабгор ҳужжат топширган бўлиб, уларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг [daraja.ilmiy.uz](http://daraja.ilmiy.uz) ахборот тизимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтганлиги маълум қилинди.

Комиссия аъзолари мустақил изланувчиликка ҳужжат топширган 14 нафар талабгорнинг ҳужжатлари билан танишиб чикдилар ҳамда улар билан танланган ихтисосликлари бўйича суҳбат ўтказдилар. Суҳбатдан сўнг талабгорлар томонидан таклиф этилган диссертация мавзулари муҳокама қилинди.

Суҳбат натижаларига кўра комиссия томонидан 11 нафар талабгор мустақил изланувчиликка тавсия этилди.

К.Миршаева ўз фикрини яқунлагандан сўнг, раислик қилувчи мазкур масала юзасидан кимда қандай таклиф ва мулоҳазалар борлигини сўраб, мажлисда иштирок этаётган Кенгаш аъзоларига мурожаат қилди.

Мажлис иштирокчиларида қўшимча таклиф ва мулоҳазалар бўлмади. Шундан сўнг, раислик қилувчи Кенгаш аъзоларидан Мустақил изланувчиликка талабгорлар билан ўтказилган суҳбат натижаларини тасдиқлаш масаласини очиқ овозга қўйди.

Тарафдорлар -13 та; қаршилар – 0; бетарафлар – 0.

Кун тартибига қўйилган масала Кенгаш аъзолари томонидан атрофлича муҳокама қилинганидан сўнг, Кенгаш

### **ҚАРОР ҚИЛДИ:**

1. Таянч докторантурага қабул бўйича ўтказилган имтихон натижалари ҳақида Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси К.Миршаеванинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Мустақил изланувчиликка талабгорлар билан ўтказилган суҳбат натижалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**Кенгаш котиби:**

**Ф.Мадиев**